



«InFinBank» АЖ

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«InFinBank» АЖ акциядорлар
умумий йиғилиши томонидан

Лавозими

А.Н Ахмаджанов
Ф.И.С
Имзо

Сана

(«InFinBank» АЖ акциядорлар
умумий йиғилишининг
«23» июн 2023 й. 59-сон баённомаси)
Рўйх. ПК № 27 «23» июн 2023 й.

«Invest Finance Bank»
акциядорлик жамиятининг
БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

ПК № 27

Мазкур хужжат “InFinBank” АЖ нинг мулки ҳисобланади. Ушбу хужжатнинг мазмунин сифат бўйича раҳбарият вакили билан олдиндан келишилмаган ҳолда тўлиқ ёки қисман қайта чоп этилиши ёки банк ходимлари бўлмаган учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас. Ҳар қандай ўзгартишлар асл нусхага ва фақат ушбу хужжатнинг назорат қилинадиган нусхаларига киритилади.

Тархир № 4 Таңдикланган: 23/06/2023 йил Амал килиши: 22/06/2028 йылғача 14 бетдан 2

МУНДАРИЖА

1. МАҚСАД.....	4
2. ҚҰЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ	4
3. ҲАВОЛАЛАР	4
4. ЖАВОБГАРЛИК	5
5. БАНК БОШҚАРУВИ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	5
6. САҚЛАШ	9
7. ХУЛОСА	9
8. ИЛОВАЛАР	9
9. ТАРҚАТИШ.....	10
10. ТАНИШИБ ЧИҚҚАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ ВАРАҒИ	10

Тархир № 4 Таасиқланган: 29/06/2023 йил Амал қилиши: 22/06/2028 йилгача 14 бетдан 3

Үзгаришларни рўйхатга олиш варагаси

Ўзгириш рақами	Ўзгиришларнинг мазмуни	Тасдиқланган	Амалга киритилган	Хужжатни бошқариш учун жавобгар шахс имзоси

Таҳрир № 4 Таасиқланган: 23/06/2023 йил Амал қилиши: 22/06/2028 йилгача 14 бетдан 4

Хужжатга оид маълумотлар:

Хужжатнинг номи «InFinBank» АЖ Бошқаруви түгрисида Низом

Хужжатнинг шифри ПК № 27 от 23.06.2023 й.

Хужжатнинг мақоми Версия № 04

Махфийлик даражаси С0 – махфий эмас



С1 – ички ахборот



С2 – махфий



Назорат органи Банк Кенгаши

Меъёрий назорат Аудиторлик қўмитаси, Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси

Манфаатлар тўқнашуви Комплаенс назорат департаменти

Аудит Ички аудит департаменти

Тасдиқловчи

корпоратив

коллегиал орган

Акциядорлар умумий йиғилиши

Низомда фойдаланилган асосий атамалар, таърифлар ва қисқартмалар:

Банк	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти
Акциядорларнинг умумий йиғилиши	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши
Кегаш Раиси	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Кенгашининг Раиси
Кегаш аъзоси (аъзолари)	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Кенгашининг аъзоси (аъзолари)
Кенгаш фармойиши	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Кенгашининг Раисининг фармойиши
Кенгаш Баённомаси	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Кенгаши мажлисининг баённомаси
Аудиторлик қўмитаси	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Кенгаши хузуридаги Аудиторлик қўмитаси
Таваккалчиликни бошқариш қўмитаси	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Кенгаши хузуридаги Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси
Ички аудит Департаменти (ИАД)	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Ички аудит Департаменти

Тахрир № 4 Таасиқланган: 23/06/2023 йил Амал қилиши: 22/06/2028 йилгача 14 бетдан 5

Комплаенс назорат Департаменти (КНД)	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Комплаенс назорат Департаменти
Ички назорат Департаменти (ИНД)	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Ички назорат Департаменти
Банк Бошқаруви	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Бошқаруви – Банкнинг ижро органи бўлиб, Банкнинг жорий фаолиятига Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Банк стратегиясига ва уни бошқариш тизимига мувофиқ равишда раҳбарлик қиласи, шунингдек Банк фаолитига оид жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олади
Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низом	«Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Бошқаруви тўғрисида Низом
Мухим аҳамиятга эга ходимлар	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Банкнинг мухим аҳамиятга эга ходимлари тоифасига киритилган ходимлар

Ушбу Низомда қўлланилган, аммо таърифи берилмаган атамалар Банк Уставида қўлланилган маънода ишлатилади.

1. УМУМИЙ ҚОИДЛАР

1.1. Ушбу Низом «Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - «Банк») Башқарувининг мақомини белгилайди ва фаолиятини тартибга солади, унинг Раисини, аъзоларини тайинлаш ва тасдиқлаш тартибини, шунингдек уларнинг ҳуқук ва мажбурияитларини белгилаб беради.

1.2. Банк Башқаруви Банкнинг коллегиал ижро органи бўлиб ҳисобланади ва Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласди.

2. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

2.1. Ушбу Низомнинг талаблари Банкнинг корпоратив бошқарувида иштирок этувчи барча бўлинмаларига ва мансабдор шахсларига – Башқарув аъзоларига таллуклидир.

3. ҲАВОЛАЛАР

3.1. Ушбу Низом қуйидаги меъёрий-ҳуқукий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган:

3.1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти түғрисида»ги қонуни;

3.1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки түғрисида» ги қонуни;

3.1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқукларини ҳимоя қилиш түғрисида»ги қонуни;

3.1.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув түғрисида»ги Низоми;

3.1.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари түғрисида» ги Низоми;

3.1.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Банклар ва банклар гурухларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар түғрисида»ги Низоми;

3.1.7. Банк Устави;

3.1.8. ISO 9001:2015 Сифат менеджменти тизимлари.

4. ЖАВОБГАРЛИК

4.1. Банк Башқаруви аъзолари Банк манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда ўз функцияларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Банк Уставида белгиланган тартибда тўлиқ бажармагалиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида Банкка етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади. Бунда Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Башқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

4.2. Банк Башқаруви аъзолари ўзларига хизмат лавозими билан берилган ҳуқуклардан учинчи шахсларнинг мақсадлари ва манфаатлари йўлида фойдаланишлари мумкин эмас.

4.3. Банк Башқаруви аъзолари Банк мол-мулкини тасарруф этишдан шахсий наф олиш йўлида фойдаланиш хатти-харакатларига йўл қўйишлари мумкин эмас.

4.4. Банк Башқаруви аъзолари тадбиркорлик хатари бўйича фактат Банк Кенгаши ва Банк акциядорлари олдида жавобгар ҳисобланадилар.

4.5. Агар тузилаётган битим тарафларидан бири Банк бўлиб ҳисобланса ва Банк Башқарувининг аъзоси битимдан молиявий манфаатдор бўлса, у ушбу масала бўйича қарор қабул килингунга кадар ўз манфаатдорлиги түғрисида маълум қилиши ва овоз беришда иштирок этмаслиги керак.

5. БАНК БОШҚАРУВИННИНГ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5.1. БАНК БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1.1. Банк Бошқаруви аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан кам бўлмаслиги лозим.
- 5.1.2. Банк Бошқарувининг микдорий ва шахсий таркиби, шунингдек кворум Банк Кенгаши томонидан белгиланади.
- 5.1.3. Банк Бошқарувининг раиси лавозимга Банк Кенгашининг карори билан тайинланади, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда, Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Бунда Банк Бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган конкурс танлови асосида қабул қилиниши мумкин. Бошқарув аъзолари ҳам шу каби Банк Кенгаши томонидан конкурс танлови асосида Банк Бошқаруви раиснинг тақдимоти билан тасдиқланади.
- 5.1.4. Банк Кенгаши Бошқарув аъзолари номзоди кўриб чиқилишида ва тасдиқланишида қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.
- 5.1.5. Банк Бошқаруви аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Банк Кенгаши томонидан шахсий тартибда амалга оширилади. Банк Бошқарувининг раиси Бошқарув аъзолигига номзодни тақдим этар экан, шартнома тузиш шартлари, Бошқарувдаги фаолияти учун мукофот ҳақининг микдори ва номзоднинг шартнома тузишга розилиги тўғрисида номзоднинг аризасини илова килган ҳолда ахборот беради.
- 5.1.6. Банк Бошқарувига номзодлар ўз номзодлари кўриб чиқилаётган Банк Кенгаши мажлисида иштирок этишга ҳақлидирлар.
- 5.1.7. Банк Бошқарувининг раиси билан тузиладиган меҳнат шартномасини Банк номидан банк Кенгашининг раиси имзолайди. Меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади ва ҳар йили Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан шартнома муддатини узайтириш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бошқарув Раиси ўз ўрнида вактингчалик бўлмаган ҳолатларда унинг функциясини белгилangan тартибда тегишли буйруқ асосида тайинланадиган ўринbosарларидан бири бажаради.
- 5.1.8. Банк Бошқарувининг аъзоси Банк Уставини, у билан тузилган шартнома шартларини бузганлиги учун, шунингдек фаолиятидаги бошка тартиббузарликлари учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши, шунингдек, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор бўлиши мумкин. Бу ҳақидаги қарор Банк Кенгаши томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.
- 5.1.9. Кенгаш Бошқарув Раиси томонидан қўпол тартиббузарлик ёки Банк йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилмаган ҳолда у билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш хукукига эга.
- 5.1.10. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тайинланадиган ва тасдиқланадиган Бошқарув Раисининг ваколатларининг муддатидан олдин тугатилган ҳолатларда унинг вазифасини Банк акциядорларининг навбатдаги умумий йигилишига қадар Банк Кенгаши қарори билан тайинланган шахс томонидан вактингчалик бажаришига йўл қўйилади.
- 5.1.11. Банк Бошқарувининг мажлисларида доимий асосда Департаментларнинг директорлари кун тартиби бўйича эксперт хулосасини тақдим этиш мақсадида иштирок этади. Бундай иштирокчиларнинг рўйхати Банк Бошқарувининг раиси томонидан тақдим этилади, шундан сўнг ушбу рўйхат ва рўйхатга киритилган шахсларнинг жавобгарлик даражаси Банк Кенгашининг баённома қарори билан тасдиқланади.

5.2. БАНК БОШҚАРУВИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

5.2.1. Банк Бошқарувининг ваколатларига Банк акциядорлари умумий йиғилишининг ва Банк Кенгашининг мутлақ ваколатлари киритилган масалалардан ташқари Банк жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради.

5.2.2. Банк Бошқарувига Банк Бошқарувининг Раиси раҳбарлик қилади.

5.2.3. Бошқарув аъзолари лавозим йўрикномасида ва улар билан тузиладиган меҳнат шартномасида, Акциядорларнинг умумий йиғилишлари қарорларида, Банк Кенгаши қарорларида, Банк Бошқаруви раисининг фармойишларида, ушбу Низомда ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгилаб қўйилган ўз ваколатлари ва мажбуриятлари доирасида ҳаракат қиладилар.

5.2.4. Банк фаолиятида белгиланган вазифалар ўзгарган тақдирда Банк Бошқарувининг Раиси ушбу Низомга мувофиқ Бошқарув таркиби қўшимча аъзолар билан тўлдириш таклифини киритишга ҳақли.

5.2.5. Банк Устави ва ушбу Низом доирасида Банк Бошқаруви битимлар тузиш бўйича қарор қабул қилиш ваколатларни амалдаги қонунчиликка ҳамда Банкнинг ички меъёрий хужжатлари га мувофиқ тузилган бошқа қўмиталарга (комиссияларга) ўтказиб беришга ҳақли.

5.2.6. Банк Бошқаруви ўз ваколатлари доирасида:

- Банк Бошқаруви ҳузуридаги қўмиталарнинг қарори билан белгиланган чекловларга мувофиқ бўлмаган алоҳида шартлардаги кредит битимларини кўриб чиқади;
- Банк кредит фаолиятига таллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқади.

5.3. БАНК БОШҚАРУВИ:

Банк Уставида белгилаб қўйилган ва/ёки Банк Кенгаши томонидан топширилган ваколатлари доирасида:

5.3.1. Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарликни ташкил этади, Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

5.3.2. Банкнинг таркибий бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналарининг фаолиятини ташкил этади;

5.3.3. Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган банк хизматлари/маҳсулотларининг янги турлари ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини ташкил этади;

5.3.4. Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада белгилаб қўйилган микдорда ва параметрларда ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдамни амалга ошириади ва ушбу ахборот Банк веб сайтида очикланишини таъминлайди;

5.3.5. Банк фаолиятини тартиба солувчи ички меъёрий хужжатларни (низомлар, тартиблар, қоидалар, услубиятлар, йўрикномалар, регламентлар ва х.к.), шу жумладан Банк операциялари, ёзишмалар ва хужжатларни имзолаш ва расмийлаштириш тартибини кўриб чиқади ва тасдиқлади;

5.3.6. Банк сиёсаларини ишлаб чиқади ва уларни Банк Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

5.3.7. Банк ҳисоботларини, жумладан, кредит таваккалчиликларини бошқаришга оид ҳисботов, ликвидлилик таваккалчилигига оид ҳисботов, бозор таваккалчилигига оид ҳисботов, операцион таваккалчиликка оид ва комплаенс таваккалчилигига оид ҳисботовларни ишлаб чиқади ва уларни Банк Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

5.3.8. Банкнинг жорий фаолиятига, шу жумладан ҳисб ва ҳисботовларни юритиш, ички назорат, банклараро шартномалар тузиш ва Банкнинг жорий фаолиятига киритилган бошқа масалалар билан боғлиқ қарорлар қабул қилади ва банк операцияларини амалга оширади;

5.3.9. Ходимларни танлаш, тайёрлаш ва улар меҳнатидан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқади ва қарорлар қабул қилади;

Тасдиқланган: 23/06/2023 йил Амал қилиши: 22/06/2028 йилгача 14 бетдан 9

- 5.3.10. Банк мажбуриятларини бериш, хисоб-китоб ҳужжатлар ва ёзишмаларни имзолаш тартибини ва умумий шартларини белгилайди;
- 5.3.11. Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Банкнинг мустақил бўлинмалари ички тузилмасини ("InFinBank" АЖ ташкилий-функционал тузилмасини) ўзgartириш масаласини кўриб чиқади;
- 5.3.12. Қиймати битим тузиладигансанада биринчи даражали Банк капиталининг 10%ига тенг ва ундан кам бўлган битимларни тузиш түгрисида қарорлар қабул қиласди;
- 5.3.13. Стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларни, жумладан, таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар ҳакида ахборот бериш сиёсатини, лозим даражада етарли капитални сақлаб туриш сиёсатларини амалга оширади;
- 5.3.14. Банк бошқарувининг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, жумладан, банк ходимлари ўртасида ваколатлар ва мажбуриятлар таксимланишини таъминлайди;
- 5.3.15. Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- 5.3.16. Банкнинг қабул килинган бизнес-режасини бажаради, шунингдек мунтазам равишда Акциядорлар умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига бажарилган ишлар, Банкка нисбатан кўрилган чоралар ва санциялар түгрисида ҳисбот тақдим этади;
- 5.3.17. Бошқарувга оид қарорларни қабул қилиш учун муҳим ахборот тайёрланишини ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдиган ишончли ахборот тизимларини яратади;
- 5.3.18. Банк Кенгашини Банкнинг молиявий ахволи түгрисида ёки унинг ёмонлашиб хатари түгрисида, ҳамда бизнес-режа, стратегик мақсадлар, таваккалчиликларни бошқариш стратегияси ва таваккалчиликка мойилликлар түгрисида, таваккалчилик лимитларининг ва пруденциал талабларнинг бузилиши, ички назоратдаги хатоликлар түгрисида хабардор этиб боради;
- 5.3.19. Белгиланган муддатларда зарур ва очиқ маълумотларни олади, шахсий малака ва тажрибасига таянган ҳолда улар билан боғлик чора-тадбирларни кўради;
- 5.3.20. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўради;
- 5.3.21. Банк бошқарув органларининг тенглиги тамойилига, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк кенгашига нисбатан риоя этади;
- 5.3.22. Ташкилий-функционал тузилманинг барча погоналарида Кенгаши томонидан тасдиқланган сиёсат, низом, тартиб ва лавозим йўриқномаларига риоя этилиши устидан самарали мониторинг олиб бориш тизимини яратади, шунингдек ушбу тизимнинг самарадорлигини даврий равишида текшириб туради;
- 5.3.23. Банқда юзага келувчи барча сезиларли таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва уларнинг банкнинг риск-аппетитига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган жараёнларнинг тўлақонли жорий этилишини таъминлаш;
- 5.3.24. Банк хизматлари учун нархларни (тарифларни) мазкур хизматлар билан боғлик таваккалчиликлар ва харажатларни инобатга олган ҳолда белгиланишини таъминлаш;
- 5.3.25. Банкдаги таваккалчиликлар ҳолати, риск-аппетитнинг бузилиш ҳолатлари, банк фаолиятидаги сезиларли ўзгаришлар ва банкнинг янги маҳсулотлари ҳакида маълумотларни акс эттирувчи ҳисботларнинг тайёрланишини ва Кенгашга ҳар чоракда тақдим этилишини таъминлаш;
- 5.3.26. Таваккалчиликларни бошқариш тизимида камчиликларни бартараф этиш, ички аудит хизмати, аудиторлик ташкилотлар, Марказий банк ва бошқа назорат органлари томонидан тақдим этилган таклиф ва мулоҳазаларни бажаришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;
- 5.3.27. Фавқулодда молиялаштириш режаси, стратегик режа, (капитал монандлигини баҳолаш мақсадида) капитал бўйича режаларни ишлаб чиқади ва Кенгаш тасдигига тақдим этади;
- 5.3.28. Банк Бошқаруви ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш сиёсати асосида банк фаолиятининг хусусиятлари ҳамда операциялари мураккаблигига мутаносиб бўлган

Тасрир № 4 Таасиқланган: 23/06/2023 йил Амал қилиши: 22/06/2028 йилгача 14 бетдан 10

ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиши мүмкін.

5.3.29. Муаммоли активларни бошқаришда банк Бошқаруви қуидаги вазифаларни бажаради:

а) Кенгашга хар чоракда банкдаги муаммоли активларнинг ҳолати, муаммоли активлар билан ишлаш сиёсати ва зарур ҳолларда стратегик режа амалга оширилиши юзасидан ҳисоботларни киритиб бориш;

б) муаммоли активларни бошқаришга доир қарорларни қабул қилиш;

в) ундирилган мол-мулкни бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш;

г) муаммоли активлар билан ишлашга масъул ходимларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилаб бериш ва ушбу жараённи баҳолаб бориш;

д) муаммоли активларни бошқариш учун зарур ахборот тизимлари жорий қилинишини таъминлаш;

5.3.30. Комплаенс назорат департаментидан комплаенс таваккалчилигига оид ҳисоботларни хар ойда камидан бир маротаба қабул қилиш;

5.3.31. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Банк Уставида кўзда тутилган бошка мажбуриятларни бажаради.

5.4. БАНК БОШҚАРУВИННИНГ РАИСИ ҚУЙИДАГИЛАРГА ҲАҶЛИ:

5.4.1. Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қиласи, бошка ташкилотлар билан муносабатларда Банкнинг манфаатларини ифода этади;

5.4.2. Банкнинг мол-мулки, пул маблағларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ ва унга бериилган ваколатлар доирасида тасарруф этади.

5.4.3. Шартномаларни, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади;

5.4.4. Ишончномалар беради, шу жумладан, зарур ҳолларда ишончнома бўйича ваколатларни бошка шахсга ўтказиш хукуки билан ишончномалар беради;

5.4.5. Банкнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

5.4.6. Штат жадвалини тасдиқлайди ва унга ҳамда тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Банк ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади, шунингдек намуна кўрсатган ходимларни рағбатлантиради, меҳнат мажбуриятларини бузганларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўради;

5.4.7. Ўз ўринbosарларининг ва таркибий бўлинмалар бошлиқларининг уларга топширилган ишларнинг аҳволи бўйича жавобгарлик даражасини белгилайди;

5.4.8. Банкнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни ва ходимларнинг лавозим йўрикномаларини тасдиқлаш;

5.4.9. Бошқарув Раиси билан тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган бошка масалаларни ҳал этади.

5.5. БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

5.5.1. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг ва Банк Кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалардан ташқари Банк жорий фаолиятига раҳбарлик қиласи, Банкнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди;

5.5.2. Бошқарув фаолиятини ҳамда Умумий йиғилиш ва Банк Кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади;

5.5.3. Банкнинг барча таркибий бўлинмалари ўртасида самарали ўзаро муносабатлар ўрнатилишини таъминлайди;

5.5.4. Банкнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди;

5.5.5. Банк молиявий фаолиятини ва ижтимоий соҳасини ривожлантириш учун зарур бўлган микдорда фойда олинишини таъминлайди;

Тархыр № 4 Таңдикланган: 23/06/2023 йил Амал қилиши: 22/06/2028 йилгача 14 бетдан 11

5.5.6. Банкни ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ва бизнес-режаларни ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, уларнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

5.5.7. Банк фаолиятида конунчиликка риоя этилишини таъминлаш;

5.5.8. Банкда бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва ҳисобдорлик ташкил этилишини, лозим даражада олиб борилишини ва ҳаққонийлигини таъминлаш, тегишли органларга йил якуни бўйича ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботларни, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга Банк фаолияти тўғрисида юбориладиган маълумотларни ўз вақтида тақдим этилишини ташкил қилиш. Банк Бошқарувининг Раиси ҳар чоракда Кенгаш олдида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисбот беради;

5.5.9. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига оид хужжатларни Банк Кенгашининг, Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасининг, Аудиторлик қўмитасининг, Корпоратив консультантнинг ва Банк ички аудит департаментининг сўровига мувофиқ монеликсиз тақдим этиш;

5.5.10. Тегишли органларга статистик ҳисботларнинг тўлиқ ва ўз вақтида топширилишини таъминлаш;

5.5.11. Мажбуриятлари доирасига учинчи шахсларга тақдим этиш вазифаси киритилмаган бўлса, тижорат ва банк сирига оид ахборотнинг махфийлигини таъминлаш. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади;

5.5.12. Банк ходимлари томонидан тижорат ва банк сирига оид ахборотнинг махфий сақланишини таъминлаш;

5.5.13. Банк Бошқаруви мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, Бошқарув мажлислари баённомасини Банк номидан имзолаш;

5.5.14. Банкни малакали кадрлар билан таъминлаш, Банк ходимлари билимларидан, малакасидан, тажрибасидан ва иқтидорларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

5.5.15. Мехнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя этилишини таъминлаш;

5.5.16. Банк ходимларининг ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя этилишини таъминлаш;

5.5.17. Бошқарув аъзоларининг жамоа музокараларида иштирок этишини таъминлаш. Жамоа шартномасини тузишда иш берувчи сифатида ҳаракат қилиш. Жамоа шартномасига оид мажбуриятларни бажариш;

5.5.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига ишларнинг бориши тўғрисидаги билдиргиларни ўз ваколатлари доирасида белгиланган муддатларда топшириш;

5.5.19. Акциядорлар томонидан конунчиликда кўзда тутилган барча ахборотни олишларига, ациядорларининг умумий йиғилишида иштирок этишларига ва дивидендларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлашга оид барча хукукларига риоя этилишини таъминлаш;

5.5.20. Ички меъёрий хужжатларга, амалдаги конунчиликка риоя этилишини таъминлаш.

6. БАНК БОШҚАРУВИННИНГ ИШ ТАРТИБИ

6.1. Банк Бошқаруви мажлислари мунтазам равишда ўтказиб турилади.

6.2. Банк Бошқаруви мажлисларини Банк Бошқарувининг Раиси, ёки кўриб чиқилаётган масала моҳиятига қараб унинг ўринбосарларидан бири ўтказади.

6.3. Банк Бошқарувининг мажлислари Бошқарув аъзоларининг биргаликдаги йиғилиши шаклида (юзма-юз шаклда), шунингдек Банк Бошқаруви томонидан масалани кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш жараёнларини оптималлаштирувчи маҳсус дастурий маҳсулотлар ёрдамида ўтказилиши мумкин. Банк Бошқарув аъзоларининг биргаликдаги йиғилишини ўтказиш учун техник алоқа воситаларидан (видеоконференция алоқаси ва х.к.) ҳам фойдаланиш мумкин.

Тасрир № 4 Таасиқланган: 23/06/2023 йил Амал қилиши: 22/06/2028 йилгача 14 бетдан 12

- 6.4. Банк Бошқаруви мажлисини ўтказиш шакли түғрисидаги маълумот мажлис ўтказилиши түғрисидаги хабарномада кўрсатилади.
- 6.5. Банк Бошқарувининг котиби Банк Бошқаруви мажлисининг баённомаси олиб борилишини таъминлайди.
- 6.6. Банк Бошқаруви мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктиргасдан тузилади.
- 6.7. Банк Бошқаруви мажлисида ушбу Низомнинг 5.1.11-бандида кўзда тутилган шахсларнинг иштирок этиши, шунингдек улар томонидан Банк Бошқаруви баённомаларини имзоланиши мажбурийдир.
- 6.8. Банк Бошқаруви баённомасидан кўчирмалар куйидагиларга тақдим этилади:
 - 6.8.1. Банк Кенгашига;
 - 6.8.2. Корпоратив консультантга;
 - 6.8.3. Бошқа мансабдор шахслар ва аудиторнинг сўровига кўра, банк Бошқаруви Раисининг рухсати билан;
 - 6.8.4. Конунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларга ва органларга.

7. САҚЛАШ

- 7.1. Ушбу Низомнинг асл нусхаси Юридик департаментнинг Методология бўлимида ПК №27-раками остида сақланади. Ушбу Низомнинг электрон нусхаси .PDF форматида умумий серверда фойдаланиш учун сақланади. Ушбу Низомнинг электрон нусхаси .DOCX форматида уни ишлаб чиқувчи ва Юридик департаментнинг Методология бўлимида кейинчалик ўзгартишлар киритиш учун сақланади.

8. ХУЛОСА

- 8.1. Ушбу Низом Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради.
- 8.2. Ушбу Низом тасдиқланганидан кейин уни амалга ошириш ваколатлари Банк Бошқарувининг Раисига ўтади ва у Низомни ижро этишга оид зарур чора-тадбирларни ташкиллаштиради.
- 8.3. Ушбу Низом тасдиқланган пайтдан бошлаб «InFinBank» АТБ Акциядаорларининг умумий йиғилиши тасдиқлаган (25.06.2019 й. рўйх. ПК №10; 25.06.2019 й.даги 48-сонли Баённома) Банк Бошқаруви түғрисидаги Низом ўз кучини йўқотади.
- 8.4. Агар ушбу Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, ушбу моддалар томонидан тартибга солинган қоидалар ўз кучини йўқотади ва уларда кўрсатилган масалалар ушбу Низомга тегишли ўзгаришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Устави асосида тартибга солинади.

Таҳрир № 4 Тақдистанган 23/06/2023 йил Амал киличи 22/06/2028 йылгача 14 бетдан 13

9. ТАРҚАТИШ

Хужжатларни бўлинмаларга тарқатиш рўйхати		Тўлдирилган сана «23» 06 2023 йил
ПК № <u>27</u>	Тахрир № 4	Амалга киритилган сана: « <u>23</u> » <u>06</u> 2023 йил
Тарқатилиши зарур бўлган хужжатнинг номи		«Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ
№	Хужжат юборилиши зарур бўлган бўлинманинг / мансабдор шахснинг номи	
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7.		
8.		
9.		
10.		
Ишлаб чикувчи имзоси		Методология бўлими бошлиги

10. ТАНИШИБ ЧИҚҚАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ ВАРАҒИ

Тархир № 4 Таедикланган: 23/06/2023 йыл Амал қилишни: 22/06/2028 йилгача 14 бетдан 14

КЕЛИШИЛГАН:

З.С. Абдуллаев


Ф.И.О.



«23» 06 2023 г.
Имзо

С.Х. Хасанов


Ф.И.О.



«23, 06» 2023 й.
Имзо

Г.М. Чумичев


Ф.И.О.



«23» 06 2023 й.
Имзо

Ш.Н. Махмудов

Ф.И.О.



«23» 06 2023 й.
Имзо


ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Корпоратив маслахатчи

Лавозими

Л.У. Рахматуллаева

Ф.И.О.



Имзо

Сана

Хужжатнинг амал қилиш муддати :

«23.06» 2023 й. дан «22» 06. 2028 й. гача

Узайтирилди «___» 20 ___ йилгача

Нусха № ____
Тарқатиш санаси «___» ____ 2023 й.(хужжат тарқатилишида хужжатни бошқариш
учун жавобгар шахснинг асл имзоси)



Chet el kapitali ishtirokidagi
«Invest Finance Bank»
Aksiyadorlik Tijorat Banki



ISO 9001:2015

ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик департамент томонидан ««InFinBank» АЖнинг Бошқаруви тўғрисида Низом” лойиҳасининг хукуқий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳа “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий хужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 05.04.2000 йилда 916-сон билан рўйхатга олинган) нинг талабларига жавоб беради.

Юридик департамент
директори в.б.

Ж.М. Атамирзаев

20.06.2023г